

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2018
ОКтябрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.ХОЛМИРЗАЕВ

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари80

С.ЮЛДАШЕВ, Ҳ.АҲМЕДОВА

Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари83

Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ

Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш86

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.ЮЛЧИЕВ

Хроңотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида)89

С.ЖУРАЕВА

Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар92

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари98

Р.ДАМИНОВА

Туркий шеърятда ғазал102

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА

Тўсиқсизлик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида106

З.АЛИМОВА

Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган *но-* префиксли сўзлар хусусида109

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ДЖУМАНОВ

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти113

Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА

Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари117

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА

Полифункционал гемосорбент олиш усули121

Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ

Қорхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари123

М.АБДУЛЛАЕВА

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси126

А.КОСИМОВ

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида)129

М.УСМОНОВА

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар131

Р.АБДУЛЛАЕВА

Оламнинг лисоний манзараси133

М.А.НАЗРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА

Ўқиш кўникмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар136

Ш.АБДУЛЛАЕВ

Аҳил қўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида140

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Жаҳонга танилган олим143

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография147

УДК: 890..34(575.1)

ИБРАТНИНГ ЖАМИЯТШУНОСЛИККА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

М.Абдуллаева

Аннотация

Мақолада Исҳоқхон Ибрatнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси “Мезон уз-замон” асарини таҳлил ва талқин этиш орқали очиб берилган. Муаллиф “Мезон уз-замон” - «замон тарозуси» маъноси мужассам мазкур китобнинг мавжуд тўққиз мезонига бирма-бир тўхталиб, мухтасар маълумот бериб ўтишга ҳаракат қилади ҳамда шу билан биргаликда уларга ўз муносабатини билдиради.

Аннотация

В данной статье раскрыт вклад Исхокхона Ибрата в общественное сознание через анализ и трактовку произведения “Мезон уз-замон”. Автор отдельно останавливается на каждом из девяти критериев произведения “Мезон уз-замон”, что переводится как «весы времени», а также пытается дать краткие сведения о них, через которые выражает отношение к ним.

Annotation

This article is about Ishakhan Ibrat's contribution to the social science through analysis and interpretation his work “Mezon uz-zamon”. The author “Mezon uz-zamon” paid attention that one of the nine of the criteria which includes the balance of time. Not only tried he gives abundant information and reacted to them as but as well.

Таянч сўз ва иборалар: замон, тарози, ўлчов, сарф-харажат, ҳисоб, талқин, ҳунар, илм, тараққиёт, фазилят, олам, омма.

Ключевые слова и выражения: время, весы, трактовка, ремесло, наука, прогресс, достоинство, мир, масса людей, обычаи, подсчёт, расходы.

Keywords and expressions: time, scales, interpretation, universe, account, expenditure, trade, science, dignity, development, mass, custom.

Буюк инсонлар яшаб ўтган юртимизда улардан бой адабий-бадиий ва илмий мерос қолган. Улар авлодлар томонидан ўқиб-ўрганиб келинмоқда. Зеро, маънавиятимиз ривож, халқимиз камолоти буларсиз тўқис бўлолмайди. Наманган заминидан шундай эзгу ишга асқотадиган илмий-адабий дурдоналар яратган қалам аҳлининг сафи авваллари ҳам, бугун ҳам кенг.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек: “Наманган диёрининг маънавий қиёфасини қатагон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Исҳоқхон Ибрat каби буюк зотлар белгилайди” [1].

Дарҳақиқат, бу сўзларда чуқур асос бор. Негаки, Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрat (1862-1937) миллий уйғониш даврининг ёрқин намоёндаларидан бири ҳисобланади. Бироқ минг афсусларки, Исҳоқхон тўранинг “Мезон уз-замон” асари ёзилган пайтида ҳам, ўзи ҳаётлик чоғида ҳам, ундан кейин ҳам - токи истиқполгача қўлёмалигича қоғозлар бағрида сарғайиб қолиб кетди. Миллат тақдирига, миллат келажигига куюнчаклик билан битилган донишмандона мазкур мўъжаз рисола аслида катта китобга айланиши мумкин эди. Шу боис “Оламини кўрмак кўп асрлар аҳволини билмақдан иборат бўлса, мана кўрдингиз бир асрни (нг) аҳволини! Ҳамма аҳволдан ёзмак бўлсам, ҳар аср неча жилд бўлмаги муқарардир...” [2] деб таъкидлаганлар

Исҳоқхон тўранинг ўзлари асарнинг якунида.

Муқаддимасидаёқ Куръондан ояти калималар келтирилиши, аввало, Аллоҳнинг, ҳадислардан намуналар берилиши эса, унинг элчиси пайғамбар аллайҳиссаломнинг сўзларига амал қилишга халқнинг мойиллиги туфайли эканини беихтиёр фаҳмлаймиз. Исҳоқхон тўра амри маъруфларида буларни қайта-қайта тилга олиб, халққа тушунтиришга астойдил интилди. Шунга қарамай, яна рисола ҳам ёзишга киришганларига таажубланишга ҳожат йўқ. Бунинг асосий сабабини ўзлари изоҳлаб қўйганлар: “Қалам билан бўлса қиёматгача хизмат бўлур, ҳар бир аҳли савод кўруб ўқуса, амри маъруф бўладур. Биз қилиб турган хизмат кейинги асрларга ҳам хизмат этар умидинда бўлуб қалам юргүздук...”

“Мезон уз-замон” - замон тарозуси маъноси мужассам бу китобнинг мавжуд тўққиз мезони оламдаги ўзгаришларга одамдаги ўзгаришларни уйғунлаштирмоққа, янгилеклардан бебаҳра қолмай, иллатлардан тезроқ фориғланишга даъватнома тарзида тартибланган. Энди мезонма-мезон мухтасар мулоҳаза юритсак, сизлар учун ҳам маъқулу манзур тушса керак деб ўйлаймиз.

Биринчи мезон - замонга муносабатга бағишланган. Аввалги замон билан кейинги замоннинг тарозуси бўлак-бўлак эканлигини инобатга олиб, Ибрat ўзи яшаётган, яъни кўриб-турганлари ҳақида фикр юритади: “Уламо ва фузало ва авом ҳама нафс

М.Абдуллаева – НамДУ филология факультети ўзбек тили ўйнаши талабаси.

хизматидан бўшамай, дунё қилмоқ, иморат, ҳашам, манфаати нафсияларин мубталойи” дея ўкинади. Исҳоқон тўра хорижликлар билан борди-келди асносида пайдо бўлаётган янги нарсалардан фойдаланишга аввалига рўйхуш бермайдиган, иккилантирадиган, ҳатто ҳалолу ҳаромга ажратиб, оммани чалғитадиган, кўп ўтмай эса бемалол ўзлари фойдаланишдан уялмайдиган қилиқларидан ранжийди. Томошабинликни қоралайди, барчани бирдай тараққиётга элтадиган тўғри йўлга чорлайди. Ўтган билан бугунги замонни таққослаб, ўзгаришларнинг ижобий жиҳатларини шарҳлайди, тушунтиради. Улардан фойдаланишга, замон билан ҳамқадамликка, пешқадам зиёлилар билан фикрдошликка қазиради.

Иккинчи мезон - иттиҳод ва иттифоқ, яъни ислом дини ва шариат талабига биноан бирлашиш, бўлинмаслик ва аҳиллик вазнидадир. Бу ҳақдаги қатор ояту ҳадис ва ривоятлар ғоят ҳайратомуз ва таъсирчан. Мисоллар мағизли, хулосалар жўяли: “Бас сизлар бадан мулкида подшоҳ - ақл маҳкумидасиз. Ҳама тарафдан эҳтиёжмандсизларки, оҳангар, дурадгор, тужжор, деҳқоний, табибий, хусусан, ашъи жадидаларга эҳтиёжингиз ҳамадин зиёда мундадур. Будур инқилоб ила қўшниларингиз темирийўлда юрса, сиз пиёда юрсангиз, нуқсонингиз маълум бўлуб, булар айшу нашотда бўлсалар, ғаму кулфатда бўлмоғингиз Худованди олам неъматин илоҳиясига қўл урмай, имтиноъ қилмоғингиз ўлур”

Учинчи мезонда ҳалоллик, таъма ва риё тортилади. Исломий, шариат талаблари қандайу, ҳаётдаги амаллар қандайлиги яширмасдан ошкорасига, ҳатто навбатманавбат таҳлилга тортилади: “...пахта тижоратига ўрганган кишиларда шариати исломияга муҳолиф уч катта гуноҳ муайяндр. Муни ҳеч тужжор уламодан сўрамайдур. Чунончи, биринчиси, торозуда кам олмоқ... Иккинчиси, хиёнатдурки, сотқувчи ризосидан ташқори партав деган олумлари бор - пуддан бир қадоқ. Бу одат ўрнига кечубдурлар ва нимасиз бечора мадйун мазлум турадур. Учинчиси, пахта беролмаган кишига суммасига 55 тийин иштироф ҳисоб қиладурлар. Уламолар бўлса, бу хил ишлар хусусида амри бил-маъруфдан ҳифз қилиб, дам урмаслар” деб бурчларини унутаётганларни танқид остига олади.

Тўртинчи мезонда илму ҳунар ва унинг шарофати ҳақида гап боради. Ибрат ўзининг болалигидаги ҳолатни ёдга олиб кечаги эски мактаб билан бугунги ўзи очган янгисининг афзаллигини аълолайди: “Боқинг, маҳалла мактабида усули қадимда етти йил умрни зойи этуб, ўқув-ёзувни билгон эдум. Мана энди банда

ўзим усули савтияни(нг) авлоди исломга ёрдамини кўруб, ўз масжидимизга мактаб очдим. Бир санада кўб ёшлар, ҳаттоки катта ёшга кирган тужжорлардан ўқуб, хат-саводини чиқаруб, маъишат ва тижоратларида осонликлар мушоҳада қилдилар”

Бешинчи мезонда замон ўзгаришларини асрга тааллуқлаб олдиндан башорат айлайди: “Ҳосили каломул-муддао вал-маром асримиз илму ҳунар, ҳаракат асридур. Турмоқ асри эмас, Ғофил турса, ғафлат уйқусидан тургунча бозори олам ўтиб кетадур”

Олтинчи мезонда халқимизнинг керагидан ортиқча одатлари қораланади. “Чунончи, бизнинг халқимизда урф бўлган нимарса - ўлганга сарфи беҳудаларни қиладур. Ани(нг) отини хайрот дерлар. Ваҳоланки, саййиот бўлса керақдур. Бир киши ўладур, ани(нг) беш-ўн адат сағиралари бўлур, саканоси(турар жойи) бир ҳовлидур. Ани(нг) ярмини дарҳол сотар ёки бир бойдан дайн қилиб, ақча оладур-да, ани бир кунлик амри сақотий деб маҳалла ва шаҳардан киши чақириб, жаноза деб сарф қилур. Бойларга бир сўм, ўрталарга эллик тийин, охири ўн тийиндан, имомларга тўн берадур. Бу ақчаларни қарз олган эди... Исқотий имомлар мунда ҳозир булурлар маййитнинг бечора сағиралари “Вой отам, вой онам” бирла овора, ўшал куни беш юз сўм сарф бўлса, бир йил ичинда яна беш юз сўм сарф бўлур”. Ибрат бундай одатларни худо ва пайғамбаримиз буюрмагинини айтиб, расми урфни ақл ишлатиб, халқни машаққат ва сарфларга солиб, қарзларга дучор айлаб қийнайдиган яроқсизларидан воз кечилмоғининг вақти етганидан одамларни огоҳлайди.

Кейин эса тўй масаласига ўтади. Тўғри, асарда шу ердан матнинг икки саҳифаси асл манбадан йўқолганига қарамай, мавжуд битикларнинг ўзида ҳам долзарб муаммолар ўз аксини топган. Шухрат домига тушганларнинг исрофларию, халқнинг йиллаб йиққанларини кунлаб беҳуда сочишларига таажублар изҳорланади. “Аъёндан катталар, маҳалладан ҳам имоми маҳаллага борурлар. Буларга ...тўн кийдуруб чиқорур” Холи булки, шул фотиҳага беш юз сарф бўлса, никоҳ тўй куни албатта икки минг сарф бўлур. Бу сарфларни(нг) ўғлига ва қизига бирон тийин нафи йўқ, ўртадаги кишилар ейдур, ичадур, киядур. Лозим эди, ҳар иккиси сарфларни ... янги рўзғор бўлмушларга хоҳ тижорат, хоҳ бўлак ва амсок айтуб қўйсалар. Буларга вақтида дастгир ўлиб, икки тараф авлодларига қилган марҳамат ва шавқат бўлса керак эди”

Исҳоқон тўранинг юқоридаги куюнчаклик билан битган гапларини ўқуб, беихтиёр ҳозирги замонимиздаги ҳолатни ўйлаб қоламиз. Минг афсуски, бугун ҳам, дафн маросимлари ва тўй-тўйчиқларимизда ўринсиз сарф-харажатлар керагича давом этяпти. Бошқача тарзда,

бошқача кўринишда бўлса-да сиз билан биз ҳам Ибратдан Ибрат олиб буларга қарши фаол курашмоғимиз лозим.

Еттинчи мезонда айтилган фикрлар эса янада эътиборга молик. Бу ҳолатларнинг баъзи кўринишлари ҳозир ҳам аҳён-аҳёнда учраб туради. Асардаги қуйидаги парчага эътибор қилинг-а.

“Замоннинг аҳли на хизмати: замон бир фаол, бир муаллим, бир воиздики, аҳли на анвоъ синоатларни чиқоруб, таълим қилур”. Демак, ҳар бир киши замоннинг ўзидан андоза олиши, унга муносиб яшаши шарт. Ибрат “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” деган форсийларнинг мақоли бежиз айтилмаганини алоҳида уқтиради.

Сақизинчи мезон жамият одамларининг бир-бирига муносабатидаги ғайритабиий ҳолатга тааллуқлидир. Суратга қараб юзаки (сийратни сезмай-билмай) муомала қилиш, кўз адаштириши, сурат алдаб қўйиши хусусида. “Бизни халқни умумий ҳаммасида бир хейли зотий феълларидур, ўз шаҳарларини(нг) либосидин бошқа мамлакат либосини кўрсалар, ичи билан ишлари йўқ, салласи бўлса, мажусийни ҳам мусулмон деб ушлаб, эътиқод қилурлар. Аммоки, телфак ёки шилфа, ё фас ё бўлак хил тўффи кийган бўлса, ани Боязид ёки шу киши Баҳоуддин десангиз, албатта нафрат қилурлар”.

Бу билан муаллиф миллатини қораламоқчи эмас, аксинча, уни қусурлардан фориғламоқчи. Соддалигини ташлаб, ҳар бир нарсага теран нигоҳ билан боқиш зарурлигини уқтирмоқчи. Алданиб қолишдан либосига қараб одамга баҳо беришдан ёмони йўқлигини қайта-қайта эсига солмоқчи. Айниқса, ҳозирги ёшлар ичидаги ғараз ниятини сиртидаги мусулмонча либосию, оғзидаги алдамчи калималари билан тўғри йўлдан оздирмоққа шайланганларнинг фирибидан сақланишлари шарт. Ҳамма замонларда ҳам дўст ва душманлар бўлган, ҳамма замонларда ҳам гўллик, соддалиқ, ишонувчанлик фойда ўрнига зиён келтирган ва бу ҳолат ҳозир ҳам давом этаётганини унутмасликнинг ўзи ҳам ҳушёрлик ва огоҳлиқдир.

Тўққизинчи мезонда Ибрат замон ўзгаришларидан мамнунлик туяди. Утмиш билан ўзи яшаётган замонини таққослаб, инсоннинг турмуш тарзини энгиллаштирувчи тараққиётга тахсинлар ўқийди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Шу муқаддас юртга ёруғ кунлар келтириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир // Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқи. -1991 й. ,17 декабрь.
2. Ибрат. -Т., “Маънавият”,2005 .

“Мана табодил! Мана мезон! Булар ҳаммаси маданиятдан намунадур, ободликдан нишона...”

Устоз ижодкор Содиқ Сайхуннинг фикрича, Исҳоқхон тўранинг “Мезон уз замон”и ўтган XX асрнинг биринчи чорагидаги ўзбек халқининг ҳаёт манзарасини холисона ва ҳаққоний тасвирлаб қай жиҳатлари муносибу, қай жиҳатлари номуносиблиги ҳақида муайян тасаввур туғдиради. Асарда ҳам диний, ҳам дунёвий қарашлар мужассам. Халқнинг турмуш тарзи, бир-бири билан муносабатлари, расм-русуму урф-одатларидаги ижобий ва салбий жиҳатлар ҳеч яширмасдан очиқ-ойдин кўрсатилган. Айниқса, дин аҳллариининг давлат ишларига, жамият тараққиётига, авом халққа муносабатлари муҳокама этилиб, уларнинг жамиятда тутган ўринлари таҳлил қилинади, тутумларидаги қусурлар аямай тилга олинади. Исҳоқхон тўра бу билан хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлсин фақат ва фақат тўғри ва ҳололлик билангина миллат тараққиётига наф етказишлари мумкинлигини қайта-қайта англатишга интилади.

Энг қимматли жиҳати, бу жаҳонгашта инсон дунёқараши кенглиги, мушоҳадаси чуқур ва теранлиги боис ҳар бир мезоннинг яқунланмасида содда ва лўнда хулосалар ясаб миллатдошларини жадидона қарашларига хайрихоҳликка чақириш билангина қаноатланмайди. Жамиятдаги ўзгаришларга яраша ҳар бир одамни ўз қарашларини ўзгартиришга чорлайди:

“Бас, ўқинг, ҳунар касб этмоқ учун ҳаракат даркор...”

“Ўранмоқ керак, танбаллик ила мақсадга эришилмас...”

“Уламо айтмаса, авом сўрамаса, авоми аҳли ислом табиати хоҳиши бўлган йўлга кетадур, оқибати қайга етадур?”

Хуллас, Ибрат жамиятшунос сифатида ижтимоий ҳаётга баҳо берар экан, у маърифатли халқнинг келажаги буюк бўлишини истаган ҳолда ўзининг одамлар учун энг зарур фазилатларни зиёдалашга, тараққиётга тўсиқ иллатларни бартараф этишга яна бир бор таъсирчан ва ўткир сўзи билан курашди. “Мезон уз-замон” фақат ўтган аср учунгина эмас, бугунги асримиз учун ҳам бемалол хизмат қилишга яроқли асарлиги билан янада қимматлидир.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)